



Ўзбекистон Республикаси  
Адлия вазирлиги



Ўзбекистон Республикаси  
Иқтисодиёт ва молия вазирлиги  
хузуридаги Кадастр агентлиги

Ўзбекистон Республикаси  
Қишлоқ хўжалиги вазирлиги



Ўзбекистон фермер, дехқон  
хўжаликлари ва томорқа ер эгалари  
кенгаши

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН  
ЕР УЧАСТКАСИГА БЎЛГАН ҲУҚУҚНИ БЕКОР ҚИЛИШ  
ВА ЕР УЧАСТКАСИНИ ҲОКИМЛИК НОМИГА ДАВЛАТ  
МУЛКИ СИФАТИДА ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ  
ТАРТИБИ**

**УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

ТОШКЕНТ – 2023

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВА МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
ХУЗУРИДАГИ КАДАСТР АГЕНТЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҶОН ХҮЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ  
КЕНГАШИ

---

**Н. Тилляев, Р. Кучаров, Я. Хасанов**

**ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ЕР УЧАСТКАСИГА  
БЎЛГАН ҲУҚУҚНИ БЕКОР ҚИЛИШ ВА ЕР УЧАСТКАСИНИ  
ҲОКИМЛИК НОМИГА ДАВЛАТ МУЛКИ СИФАТИДА ДАВЛАТ  
РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ**

**УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА**

**ТОШКЕНТ – 2023**

## МУНДАРИЖА

<b>1.</b>	<b>Кириш</b>	<b>4</b>
<b>2.</b>	<b>Умумий қоидалар</b>	<b>5</b>
<b>3.</b>	<b>Ер участкасига бўлган хукуқни бекор қилиш асослари</b>	<b>6</b>
<b>4.</b>	<b>Ер участкаси (унинг бир қисми)дан ихтиёрий воз кечилганда расмийлаштириш тартиби</b>	<b>7</b>
<b>5.</b>	<b>Ер участкаси (унинг бир қисми)ни ижара муддати тугаши муносабати билан қайтариш тартиби</b>	<b>8-9</b>
<b>6.</b>	<b>Юридик шахс тугатилганлиги муносабати билан ер участкасини олиб қўйиш тартиби</b>	<b>10</b>
<b>7.</b>	<b>Ер участкасидан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланилганида уни олиб қўйиш тартиби</b>	<b>11-12</b>
<b>8.</b>	<b>Ер участкасидан оқилона фойдаланилмаганда, бу қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ҳосилдорлик даражаси уч йил мобайнида нормативдан паст бўлишида ифодаланганде уни олиб қўйиш тартиби</b>	<b>13</b>
<b>9.</b>	<b>Тупроқ унумдорлиги пасайиши, ифлосланиши ва унинг ёмонлашишига олиб келадиган усуллардан фойдаланилганлиги учун ер участкасини олиб қўйиш тартиби</b>	<b>14-15</b>
<b>10.</b>	<b>Ер солиғи ва ижара ҳақи мунтазам тўланмай келинганде ер участкасини олиб қўйиш тартиби</b>	<b>16-17</b>
<b>11.</b>	<b>Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ер участкасидан бир йил мобайнида фойдаланилмаганида олиб қўйиш тартиби</b>	<b>18</b>
<b>12.</b>	<b>Ўзбекистон фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига аъзолики тугатилганда ер участкасини олиб қўйиш тартиби</b>	<b>19-20</b>
<b>13.</b>	<b>Фермер хўжалиги фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари</b>	<b>21</b>
<b>14.</b>	<b>Иловалар.</b>	<b>22-27</b>

## КИРИШ

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш ва ер участкасини ҳокимлик номига давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш тартиби бўйича услубий қўлланма (кейинги ўринларда – Қўлланма деб юритилади) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Кадастр агентлиги ҳамда Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгаши билан биргаликда ишлаб чиқилган.

**Қўлланма қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш ва ер участкасини туман (шаҳар) ҳокимликлари номига давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказиша **ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантириш мақсадида ишлаб чиқилди.****

Қўлланмада қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш, ер участкасини туман (шаҳар) ҳокимликлари номига давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказиша асослари, тартиби ва шартлари, расмийлаштириладиган ҳужжатларнинг намуналари ҳамда соҳани тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатларига ҳаволалар келтириб ўтилган.

**Қўлланмани очик манбаларга жойлаштиришга рухсат берилади ва ундан фойдаланиш бепул ҳисобланади.**

Қонунчилик ҳужжатлари ўзгариши муносабати билан ушбу Қўлланма такомиллаштириб борилади, шу сабабли Қўлланманинг янгилangan санасига эътибор қаратиш лозим.

**Қўлланма ишлаб чиқилган сана: 08.06.2023 йил**

## I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

**1.** Мазкур қўлланма қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкасига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш ҳамда ер участкасини туман (шаҳар) ҳокимликлари номига давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказишида ҳуқуқни қўллаш амалиётини тартибга солади.

**2.** Кўлланма туман (шаҳар) ҳокимликлари ва давлат бошқаруви органлари ходимлари учун хизмат вазифаларини бажаришида методик қўлланма вазифасини ўтайди.

**3.** Мазкур қўлланмада куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**фермер хўжалиги** – ижарага берилган ер участкаларидан фойдаланган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотини етишириш ҳамда қонунчиликда тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланувчи тадбиркорлик субъекти;

**қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга оширувчи орган** – Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ва вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш бўйича давлат инспекторлари;

**ер участкаларидан оқилона фойдаланиш** – ер эгалари, ердан фойдаланувчилар ва ижаракиларнинг ерларни муҳофаза қилиш ва табиий-иқтисодий шароитлар мақбул бўлган ўзаро таъсири ва мазкур ҳудуднинг хусусиятларини инобатга олиб, ишлаб чиқариш жараёнида юқори самарадорликка эришиши.

**тақдимнома** – қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга оид аниқланган қонун бузилиши ҳолатлари, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва бунга имконият яратиб бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш хусусида қонун бузилишни бартараф этиш ваколатга эга бўлган органга ёки мансабдор шахсга киритиладиган ҳужжат;

**ер участкасига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш** – ер участкасига тегишли ҳуқуқни эътироф этишга асос бўлган ҳужжатларнинг бекор қилиниши ёки ушбу ҳуқуқларнинг суд томонидан тугатилиши.

## II. ЕР УЧАСТКАСИГА БҮЛГАН ҲУҚУҚНИ БЕКОР ҚИЛИШ АСОСЛАРИ

**3.** Ер ижара шартномасини ўзгартириш ёки бекор қилиш **биринчи навбатда – тарафларнинг келишуви билан**, бундай келишувга эришилмаган тақдирда, суднинг ҳал қилув қарори билан амалга оширилади.

**4.** Ер участкаси (унинг бир қисми)га бўлган ҳуқуқни бекор қилишга Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 36-моддасига мувофиқ қуидаги ҳоллар асос бўлади:

- 1) ихтиёрий **воз кечилганда**;
- 2) ижара **муддати тугаганда**;
- 3) **юридик шахс тугатилганда**;

4) ер участкасидан белгиланганидан **бошقا мақсадларда фойдаланилганида**;

5) ер участкасидан **оқилона фойдаланилмагандан**, бу қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ҳосилдорлик даражаси уч **йил мобайнида нормативдан** (кадастр баҳосига кўра) паст бўлишида ифодаланганда;

6) ер участкасидан **тупроқ унумдорлиги пасайишига**, унинг кимёвий ва радиоактив моддалар билан **ифлосланишига**, экологик вазиятнинг **ёмонлашувига** олиб келадиган усувлар билан фойдаланилган тақдирда;

7) қонунчиликда белгиланган муддатларда ер солиғи, шунингдек ижарага олиш шартномасида белгиланган муддатларда **ижара ҳақи мунтазам тўланмай келинганда**;

8) қишлоқ хўжалиги эҳтиёjlари учун берилган ер участкасидан **бир йил мобайнида фойдаланилмаганида**;

9) фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман кенгашлари раёсатининг қарорига мувофиқ фермер ёки деҳқон хўжалигининг **Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига аъзолиги тугатилганда**.

**5.** Ер участкасига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш ер ижара шартномасини **бекор қилиш орқали** амалга оширилади.

Ер участкасига **түлиқ** ёки **бир қисми**га бўлган ҳуқуқни бекор қилиш ер ижара шартномасига ўзгартириш киритиш орқали амалга оширилади.

**БУНИ БИЛИШ  
ЗАРУР!**

*Ер участкасини ижарага бериш тўғрисидаги ҳоким қарори бекор қилинса, бироқ, ер ижара шартномаси бекор қилинмаса ерга бўлган ҳуқуқ бекор бўлмайди.*

Ер ижара шартномасининг муддатидан олдин бекор қилиниши ер участкасини **иккиламчи ижарага бериш шартномаси** бекор бўлишига олиб келади.

### **III. ЕР УЧАТКАСИ (УНИНГ БИР ҚИСМИ)ДАН ИХТИЁРИЙ ВОЗ КЕЧИЛГАНДА РАСМИЙЛАШТИРИШ ТАРТИБИ**

**6.** Ер участкаси (унинг бир қисми)дан ихтиёрий воз кечиш қуйидаги босқичларда амалга оширилади.

**Биринчи босқич.** Туман (шаҳар) ҳокими номига ер участкасидан ихтиёрий воз кечиш тўғрисида нотариал тасдиқланган ариза берилади.

Ариза ер участкасини ижарага олган шахс (фермер хўжалиги раҳбари, МЧЖ директори ёки ишончнома асосида иш олиб борувчи бошқа фуқаро) томонидан берилади.

**ИЛОВАДАГИ  
НАМУНАГА  
ҚАРАНГ**

Аризанинг намунавий лойиҳаси ушбу Қўлланманинг 1-иловасида келтирилган.

Аризада ижарага олинган ер участкаси (унинг бир қисми)нинг қайтариш сабаби ва санаси кўрсатилган ҳолда ер ижара шартномасини бекор қилиш (ўзгартириш) назарда тутилади.

**Иккинчи босқич.** Туман (шаҳар) ҳокимлиги томонидан аризани кўриб чиқиши давомида ер ижара шартномасини бекор қилишга тўсқинлик қиласиган ҳолатлар аниқланмаса, **ер ижара шартномасини бекор қилиш (ўзгартириш) бўйича битим лойиҳаси тайёрланади.**

**ИЛОВАДАГИ  
НАМУНАГА  
ҚАРАНГ**

Ер ижара шартномасини **бекор қилиш** бўйича битим намунавий лойиҳаси ушбу Кўлланманинг 2-иловасида, Ер ижара шартномасини **ўзгартириш** бўйича битим намунавий лойиҳаси ушбу Кўлланманинг 3-иловасида келтирилган.

Ер ижара шартномасини бекор қилиш бўйича битим бир хил кучга эга бўлган уч нусхада тузилади ҳамда бир томондан – туман (**шаҳар**) ҳокими ва иккинчи томондан – **ер участкасини ижарага олган шахс** (фермер хўжалиги раҳбари, МЧЖ директори ёки ишончнома асосида иш олиб борувчи бошқа фуқаро) томонидан имзоланади. Битимнинг бир нусхаси кадастрган органларига тақдим этилади, қолган нусхалари тарафларда қолади.

**Учинчи босқич.** Ер участкаси давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилади.

Ер ижара шартномаси бекор қилинган ер участкаларини давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш туман (**шаҳар**) ҳокимлигининг буюртмасига асосан амалга оширилади.

Буюртма Давлат кадастрлар палатасининг туман (**шаҳар**) филиалига юборилади. Давлат рўйхатидан ўтказиш ишлари Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

#### **IV. ЕР УЧАТКАСИ (УНИНГ БИР ҚИСМИ)НИ ИЖАРА МУДДАТИ ТУГАШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ҚАЙТАРИШ ТАРТИБИ**

**7.** Фермер хўжаликларига қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ўттиз йил муддатга ижарага берилади.

Ижара шартномаси муддати тугаганидан кейин ҳам ижарачи ижарага олинган мулқдан **амалда фойдаланишини давом эттираверса** ҳамда **ижарага берувчи** ижара шартномаси муддати тугагунига қадар бунга ҳеч қандай эътиroz билдиrmаган ва шартномада ўзгача шартлар кўзда тутилмаган бўлса, у ҳолда **шартнома худди шу муддатга давом эттирилган ҳисобланади**.

Ер участкасига берилган **ижара муддати тугаганда** Ижарачининг мазкур ер участкасига бўлган хуқуқини бекор

**қилиш ер ижара шартномасини бекор қилиш йўли билан расмийлаштирилади.**

Ижарачининг ер участкасига бўлган ҳуқуқини бекор қилиш қуйидаги босқичларда амалга оширилади.

**Биринчи босқич.** Назорат қилувчи органлар томонидан тақдимнома киритилади.

**ИЛОВАДАГИ  
НАМУНАГА  
ҚАРАНГ**

*Ер ижара шартномаси муддати тугаганлиги сабабли, уни бекор қилиш бўйича тақдимноманинг намунавий лойиҳаси ушбу Кўлланманинг 4-иловасига мувофиқ тасдиқланган.*

Бунда, назорат қилувчи органлар томонидан ўтказилган мониторинг ва назорат тадбирлари давомида Ижарачининг ер ижара шартномаси муддати тугаганлиги ҳолати аниқланганда, уни бекор қилиш бўйича туман (шаҳар) ҳокимлигига **тақдимнома** киритилади.

**БУНИ БИЛИШ  
ЗАРУР!**

*Ижарачи ер участкалари ижара шартномасининг амал қилиш муддати тугаганидан кейин шартномани янгилашда бошқа тенг шароитларда устун ҳуқуқча эга.*

Тақдимномага ҳуқуқлар тутатилишининг асосли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши лозим.

**Иккинчи босқич.** Туман (шаҳар) ҳокимлиги назорат қилувчи органларнинг тақдимномасини белгиланган тартибда рўйхатга олади ва кўриб чиқади.

Туман (шаҳар) ҳокимлиги назорат қилувчи органларнинг тақдимномаси келиб тушган кундан кечиктирмай уни белгиланган тартибда рўйхатга олади ҳамда кўриб чиқиш учун масъул ижрочи белгиланади.

Тақдимномани кўриб чиқиш натижаси бўйича масъул ижрочи томонидан ер ижара шартномасини бекор қилиш бўйича келишув лойиҳаси тайёрланади.

**ИЛОВАДАГИ  
НАМУНАГА  
ҚАРАНГ**

*Ер ижара шартномасини муддати тугаганлиги сабабли, уни бекор қилиш бўйича келишувнинг намунавий лойиҳаси ушбу Кўлланманинг 5-иловасига мувофиқ тасдиқланган.*

Ер ижара шартномасининг муддати тугаганлиги сабабли, уни бекор қилиш бўйича келишув **туман (шаҳар) ҳокими томонидан тасдиқланади** ҳамда белгиланган тартибда давлат

рўйхатидан ўтказилади.

**Учинчи босқич.** Ер участкасини ёки унинг бир қисмини ижарага бериш муддати тугаши билан ижарага оловчини хабардор қилиш.

Ер участкасини ёки унинг бир қисмини ижарага бериш муддати тугаши муносабати билан ҳокимлик томонидан ижарага оловчи жисмоний ёки юридик шахсга ижара муддати тугаганлиги ҳақида хабарнома юборади.

## **V. ЮРИДИК ШАХС ТУГАТИЛГАНЛИГИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЕР УЧАТКАСИНИ ОЛИБ ҚЎЙИШ ТАРТИБИ**

**8.** Юридик шахс тугатилганда Ижачининг ер участкасига бўлган ҳуқуқини бекор қилиш **ер ижара шартномасини бекор қилиш йўли билан расмийлаштирилади.**

Кўлланманинг 8-бандида назарда тутилган қоида **қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасига нисбатан татбиқ этилмайди.**

**9.** Юридик шахс тугатилганлиги муносабати билан ижачининг ер участкасига бўлган ҳуқуқини бекор қилиш **қуидаги босқичларда** амалга оширилади.

**Биринчи босқич.** Назорат қилувчи органлар томонидан тақдимнома киритилади.

Ижаачи юридик шахс тугатилган тақдирда, у билан тузилган ер ижара шартномасини бекор қилиш назорат қилувчи органларнинг **тақдимномаси** асосида кўриб чиқилади.

Тақдимномага ҳуқуқлар тугатилишининг асосли эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар илова қилиниши лозим.

**Иккинчи босқич.** Туман (шаҳар) ҳокимлиги назорат қилувчи органларнинг тақдимномасини белгиланган тартибда рўйхатга олади ва кўриб чиқади.

Назорат қилувчи органларнинг Ижаачи юридик шахс тугатилганлиги сабабли, у билан тузилган ер ижара шартномасини бекор қилиш бўйича тақдимномаси туман (шаҳар) ҳокимлигига келиб тушган кундан кечиктирмай белгиланган тартибда рўйхатга олинади ҳамда кўриб чиқиш

учун масъул ижрочи белгиланади.

Тақдимномани кўриб чиқиш натижаси бўйича масъул ижрочи томонидан ер ижара шартномасини бекор қилиш бўйича **келишув лойиҳаси тайёрланади**.

Ижарачи юридик шахс тугатилганлиги сабабли, у билан тузилган ер ижара шартномасини бекор қилиш бўйича келишув туман (шаҳар) ҳокими томонидан тасдиқланади ҳамда белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилади.

**Учинчи босқич.** Ер участкаси давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказилади.

Ер ижара шартномаси бекор қилиниши натижасида захирага қайтарилган ер участкаси туман (шаҳар) ҳокимликлари номига давлат мулки сифатида рўйхатдан ўтказилиши лозим.

Ер ижара шартномаси бекор қилинган ер участкаларини давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказиш туман (шаҳар) ҳокимлигининг буюртмасига асосан амалга оширилади.

Буюртма Давлат кадастрлар палатасининг туман (шаҳар) филиалига юборилади. Давлат рўйхатидан ўтказиш ишлари Қорақалпоғистон Республикаси бюджети ва вилоятлар маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

## **VI. ЕР УЧАСТКАСИДАН БЕЛГИЛАНГАНИДАН БОШҚА МАҚСАДЛАРДА ФОЙДАЛАНИЛГАНИДА УНИ ОЛИБ ҚЎЙИШ ТАРТИБИ**

**10.** Ер участкасидан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланилганида уни олиб қўйиш тартиби қуидагича амалга оширилади.

**Биринчи босқич.** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилган ҳолда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш мақсадида ваколатли орган томонидан ўрганиш ишлари амалга оширилади.

**Иккинчи босқич.** Мазкур орган:

1. Ўрганиш ишлари якуни бўйича икки нусхада маълумотнома расмийлаштиради.

2. Ўрганиш ишлари якуни бўйича барча ҳужжатлар йиғмажилдини шакллантиради.

3. Йиғмажилдни Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ёки Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармаларига тақдим этади.

**Учинчи босқич.** Қишлоқ хўжалиги вазирининг қишлоқ хўжалиги ерлари мониторинги бўйича ўринбосари ёки Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг бошлиқлари ва ўринбосарларининг имзоси билан туман (шаҳар) ҳокимлигига ёки ҳудудий кадастр органларига тақдимнома киритилади.

**Тўртинчи босқич.** Туман (шаҳар) ҳокимлиги ёки ҳудудий кадастр органлари тақдимнома асосида ер участкасини олиб қўйиш бўйича **судга даъво аризаси киритади**.

Суднинг ер участкасидан белгиланганидан бошқа мақсадларда фойдаланганлиги учун ер участкаларига бўлган ҳуқуқларни бекор қилиш тўғрисидаги ҳал қилув қарорига асосан ижара шартномаси бекор қилинади.

**Бешинчи босқич.** Туман (шаҳар) ҳокимликларининг буюртмасига асосан ҳудудий кадастрлар палатаси органлари Ўзбекистон Республикасининг “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги Қонуни талабларидан келиб чиқиб, туман (шаҳар) ҳокимликлари номига ер участкасини давлат мулки сифатида **давлат рўйхатидан ўтказади**.

**VII. ЕР УЧАСТКАСИДАН ОҚИЛОНА  
ФОЙДАЛАНИЛМАГАНДА, БУ ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИГА  
МҮЛЖАЛЛАНГАН ЕРЛАР УЧУН ҲОСИЛДОРЛИК ДАРАЖАСИ  
УЧ ЙИЛ МОБАЙНИДА НОРМАТИВДАН ПАСТ БҮЛИШИДА  
ИФОДАЛАНГАНДА УНИ ОЛИБ ҚҮЙИШ ТАРТИБИ**

**11.** Ер участкасидан **оқилона фойдаланилмаганда**, бу қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ҳосилдорлик даражаси **уч йил мобайнида нормативдан** (кадастр баҳосига кўра) паст бўлишида ифодалангандаги олиб қўйилиши қўйидаги тартибда амалга оширилади.

**Биринчи босқич.** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилган ҳолда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш мақсадида ваколатли орган томонидан ўрганиш ишлари амалга оширилади.

**Иккинчи босқич.** Мазкур орган:

1) Ўрганиш ишлари якуни бўйича икки нусхада маълумотнома расмийлаштиради.

2) Ўрганиш ишлари якуни бўйича барча ҳужжатлар йиғмажилдини шакллантиради.

3) Йиғмажилдни Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ёки Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармаларга тақдим этади.

**Учинчи босқич.** Қишлоқ хўжалиги вазирининг қишлоқ хўжалиги ерлари мониторинги бўйича ўринбосари ёки Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг бошлиқлари ва ўринбосарларининг имзоси билан туман **(шаҳар)** ҳокимлигига тақдимнома киритилади.

**Тўртинчи босқич** Туман, шаҳар ҳокими тақдимнома асосида бир ойлик муддатда ер участкасини олиб қўйиш ҳақида судга даъво аризаси киритади.

Ер участкасидан оқилона фойдаланилмаганда, бу қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун ҳосилдорлик даражаси уч йил мобайнида нормативдан (кадастр баҳосига кўра) паст бўлишида ифодаланганда ер участкаларига бўлган хуқуқларни бекор қилиш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарорига асосан ижара шартномаси бекор қилинади.

**Бешинчи босқич.** Туман (шаҳар) ҳокимликларининг буюртмасига асосан Ҳудудий кадастрлар палатаси органлари Ўзбекистон Республикасининг “Кўчмас мулкка бўлган хуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги Қонуни талабларидан келиб чиқиб, туман (шаҳар) ҳокимликлари номига ер участкасини давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказади.

### **ВИШ. ТУПРОҚ УНУМДОРЛИГИ ПАСАЙИШИ, ИФЛОСЛАНИШИ ВА УНИНГ ЁМОНЛАШИШИГА ОЛИБ КЕЛАДИГАН УСУЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИЛГАНЛИГИ УЧУН ЕР УЧАСТКАСИНИ ОЛИБ ҚЎЙИШ ТАРТИБИ**

Ер участкасидан тупроқ унумдорлиги пасайишига, унинг кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишига, экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келадиган усуллар билан фойдаланилган тақдирда ер участкаси олиб қўйилиши мумкин.

**12.** Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва экин майдонлари мониторинги ушбу ерларнинг тупроқ, геоботаника ва бошқа тадқиқотлар материалларидан фойдаланган ҳолда, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар ва экинларни доимий мониторинг қилиш орқали амалга оширилади.

Тупроқ унумдорлиги пасайиши, ифлосланиши ва унинг ёмонлашисига олиб келадиган усуллардан фойдаланилганлиги учун ер участкасини олиб қўйиши тартиби қуидагича амалга оширилади:

**Биринчи босқич.** Ер участкаси ерларнинг тупроқ, геоботаника ва бошқа тадқиқотлар материалларидан фойдаланган ҳолда мониторинг қилинади.

Жумладан, мониторинг ишлари даврийлиги бўйича амалга оширилади:

**а) даврий мониторинг** – қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни ер турлари ва майдони бўйича хатловдан ўтказиб бориш (ҳар беш йилда);

**б) жорий мониторинг** – қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан фойдаланиш ҳолати юзасидан мониторингни амалга ошириш (ҳар йили);

**в) тезкор мониторинг** – қишлоқ хўжалиги экинларининг экилиши ва агротехник тадбирларнинг ўтказилиши юзасидан кунлик мониторингни амалга ошириш.

**Иккинчи босқич.** Мониторинг натижаларини ер эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижаракилар ва худудлар кесимида жамлайди, мониторинг натижаларини **далолатнома асосида** расмийлаштирган ҳолда туман (Қувасой шаҳар) **ҳокимликлариға тақдим этади**.

**Учинчи босқич.** Мониторинг натижалари бўйича тузилган далолатномани туман (Қувасой шаҳар) ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари **қўриб чиқилиши ва тасдиқланишини таъминлайди**.

**Тўртинчи босқич.** Тупроқ унумдорлиги пасайишига, унинг кимёвий ва радиоактив моддалар билан **ифлосланишига**, экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келадиган усуллар билан фойдаланилган деб топилгандан, **мониторинг натижалари бўйича тузилган далолатнома асосида** туман, шаҳар ҳокими тақдимнома асосида бир ойлик муддатда уни олиб қўйиш хақида **судга даъво аризаси киритади**.

Тупроқ унумдорлиги пасайишига, унинг кимёвий ва радиоактив моддалар билан ифлосланишига, экологик вазиятнинг ёмонлашувига олиб келадиган усуллар билан фойдаланилганлиги учун ер участкасига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарорига асосан ижара шартномаси бекор қилинади.

**Бешинчи босқич.** Туман (шаҳар) ҳокимликларининг буюртмасига асосан Худудий кадастрлар палатаси органлари Ўзбекистон Республикасининг “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги Қонуни талабларидан келиб чиқиб, туман (шаҳар) ҳокимликлари

номига ер участкасини давлат мулки сифатида **давлат рўйхатидан ўтказади**.

## **IX. ЕР СОЛИГИ ВА ИЖАРА ҲАҚИ МУНТАЗАМ ТЎЛАНМАЙ КЕЛИНГАНДА ЕР УЧАСТКАСИНИ ОЛИБ ҚЎЙИШ ТАРТИБИ**

**13.** Туман (шаҳар) ҳокими билан тузилган ер участкасининг ижара шартномаси асосида берилган **ер участкалари учун тўланадиган ижара тўлови ер солиғига тенглаштирилади.**

Шунингдек, томонларнинг бири шартнома шартларини бузган тақдирда иккинчисининг талабига кўра **ижара шартномаси тегишли суднинг қарори билан бекор килиниши мумкин**.

Ер участкаси мулқдорининг, ер эгасининг, ердан фойдаланувчининг ёки ижарачининг айби билан қишлоқ хўжалиги ерларининг сифати ёмонлашган (бонитет бали пасайган) тақдирда, солиқ юридик шахслар томонидан ернинг сифати ёмонлашгунига қадар мавжуд бўлган бонитет балидан келиб чиқсан ҳолда тўланади.

Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар участкалари учун солиқ ҳар бир солиқ даврининг 1 майидан кечиктирмай ҳисоблаб чиқилади ва ҳудудий солиқ органларига тақдим этилади.

**14. Солиқ тўлаш мажбуриятига эга бўлган солиқ тўловчи уни тўлашга доир тўлов топшириқномасини хизмат кўрсатувчи банкка, ўзининг банк ҳисобварафида пул маблағлари бор-йўқлигидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексида белгиланган тўлов муддатидан кечиктирмасдан тақдим этиши шарт.**

Агар солиқ тўловчида тўланмаган солиқ қарзи мавжуд бўлса, солиқ органи унга солиқларни тўлаш муддати ўтганидан кейин уч кундан кечиктирмай солиқ қарзини узиш тўғрисида талабнома юборади.

**15.** Конунчиликда белгиланган муддатларда ер солиғи, шунингдек ижарага олиш шартномасида белгиланган муддатларда **ижара ҳақи мунтазам тўланмай келингандан ер**

участкасини олиб қўйиш тартиби қўйидагича амалга оширилади.

**Биринчи босқич.** Солиқ (ижара) қарзини узиш тўғрисидаги талабнома фермер хўжалигига у ҳисобда турган солиқ органи томонидан юборилади.

Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома солиқ тўловчига ушбу қарз аниқланган кундан эътиборан ёки солиқ текшируви натижалари бўйича аниқланган солиқ қарзини узиш тўғрисидаги қарор кучга кирган санадан **эътиборан уч иш** кунидан **кечиктирмай юборилиши керак**.

**Иккинчи босқич.** Солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабнома фермер хўжалиги томонидан олинган кундан эътиборан **олтмиш календарь кун ичида** солиқ қарзи тўланмаган тақдирда солиқ органлари ундирувни Солиқ кодексининг 123-124-моддаларида белгиланган тартибда солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратади.

Агар мажбуриятга эга шахснинг солиқ қарзини Солиқ кодексининг 121 ва 122-моддаларида назарда тутилган тартибда ундириш мумкин бўлмаса, солиқ органи солиқ қарзини шу мажбуриятга эга шахснинг **бошқа мол-мулки, шу жумладан нақд пул маблағлари ҳисобидан ундиришга ҳақли**.

**Учинчи босқич.** Солиқ органлари томонидан фермер хўжалиги томонидан ер солиғи мунтазам равища тўланмасдан келинаётганлиги ҳақида қишлоқ хўжалиги ерларни муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга оширувчи органларга хабар беради.

**Тўртинчи босқич.** Ер солиғи мунтазам равища тўланмасдан келинаётганлиги юзасидан Қишлоқ хўжалиги вазирининг қишлоқ хўжалиги ерлари мониторинги бўйича ўринbosари ёки Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг бошлиқлари ва ўринbosарларининг имзоси билан **туман (шаҳар) ҳокимлигига тақдимнома** киритилади.

**Бешинчи босқич.** Туман, шаҳар ҳокими тақдимнома асосида бир ойлик муддатда ер солиғи мунтазам равища

тўланмасдан келинаётганлиги сабабли ижара шартномасини бекор қилиш юзасидан **судга даъво аризаси киритади**.

Ер солиғи мунтазам равишда тўланмасдан келинаётганлиги сабабли ер участкасига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарорига асосан ижара шартномаси бекор қилинади.

**Олтинчи босқич.** Туман (шаҳар) ҳокимликларининг буюртмасига асосан Ҳудудий кадастрлар палатаси органлари Ўзбекистон Республикасининг “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги Қонуни талабларидан келиб чиқиб, туман (шаҳар) ҳокимликлари номига ер участкасини давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказади.

## **Х. ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭҲТИЁЖЛАРИ УЧУН БЕРИЛГАН ЕР УЧАТКАСИДАН БИР ЙИЛ МОБАЙНИДА ФОЙДАЛАНИЛМАГАНИДА УНИ ОЛИБ ҚЎЙИШ ТАРТИБИ**

**16.** Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ер участкасидан **бир йил мобайнида фойдаланилмаганида уни олиб қўйиш тартиби** қўйидагicha амалга оширилади.

**Биринчи босқич.** Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишилган ҳолда қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларини муҳофаза қилиш бўйича давлат назоратини амалга ошириш мақсадида ваколатли орган томонидан ўрганиш ишлари амалга оширилади.

**Иккинчи босқич.** Мазкур орган:

- 1) Ўрганиш ишлари якуни бўйича икки нусхада маълумотнома расмийлаштиради.
- 2) Ўрганиш ишлари якуни бўйича барча ҳужжатлар йиғмажилдини шакллантиради.
- 3) Йиғмажилдни Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ёки Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармалари **и**га тақдим этади.

**Учинчи босқич.** Қишлоқ хўжалиги вазирининг қишлоқ хўжалиги ерлари мониторинги бўйича ўринбосари ёки Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, вилоятлар қишлоқ хўжалиги бошқармаларининг бошлиқлари ва ўринбосарларининг имзоси билан **туман (шаҳар) ҳокимлигига тақдимнома** киритилади.

**Тўртинчи босқич.** Туман, шаҳар ҳокими тақдимнома асосида бир ойлик муддатда уни олиб қўйиш ҳақида **судга даъво аризаси киритади.**

Қишлоқ хўжалиги эҳтиёжлари учун берилган ер участкасидан бир йил мобайнида фойдаланилмаганлиги учун ер участкасига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарорига асосан ижара шартномаси бекор қилинади.

**Бешинчи босқич.** Туман (шаҳар) ҳокимликларининг буюртмасига асосан Ҳудудий кадастрлар палатаси органлари Ўзбекистон Республикасининг “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги Қонуни талабларидан келиб чиқиб, туман (шаҳар) ҳокимликлари номига ер участкасини давлат мулки сифатида давлат рўйхатидан ўтказади.

## **XI. ЎЗБЕКИСТОН ФЕРМЕР, ДЕҲҚОН ХЎЖАЛИКЛАРИ ВА ТОМОРҚА ЕР ЭГАЛАРИ КЕНГАШИГА АЪЗОЛИГИ ТУГАТИЛГАНДА ЕР УЧАСТКАСИНИ ОЛИБ ҚЎЙИШ ТАРТИБИ**

**18.** Барча фермер ва деҳқон хўжаликларининг **Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига аъзолики мажбурий**, томорқа ер эгалари учун эса ихтиёрий ҳисобланади.

Шунингдек, фермер, деҳқон хўжаликлари ҳамда томорқа ер эгаларининг аъзолик бадали, туман кенгаши билан тузилган аъзолик тўғрисидаги шартномада кўрсатилган миқдор ва муддатларда ўтказиб берилади.

**Аъзолик бадалини тўламаслик аъзоликдан чиқариб юборилишига сабаб бўлади.**

**Мажбурий тартибда аъзоликдан чиқариш тегишли** Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари **туман**

кенгашлари раёсатининг қарорига мувофиқ амалга оширилади.

**19.** Фермер ёки деҳқон хўжалигининг Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига аъзолиги тугатилганда ер участкасини олиб қўйиш тартиби қуидагича амалга оширилади.

**Биринчи босқич.** Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари туман кенгашлари раёсатининг қарорига мувофиқ Фермер ва деҳқон хўжаликларининг Кенгашдаги аъзолигидан чиқариш тўғрисидаги қарори қабул қилинади.

**Иккинчи босқич.** Туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгashi аъзолигидан чиқарилаётган фермер хўжалигининг аъзолиги тугатилганлиги ҳақида туман (шаҳар) ҳокимлигига хабарнома юборади.

Мазкур хабарномага туман фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгashi раёсати қарори илова қилинади.

Кенгашга аъзолиги тугатилганлиги ер участкасига эгалик қилиш, ундан доимий ёки муддатли фойдаланиш ҳуқуқи ёхуд уни ижарага олиш ҳуқуқи бекор бўлиши учун асос бўлади.

**Учинчи босқич.** Туман, шаҳар ҳокими мазкур хабарнома асосида ер участкасини олиб қўйиш ҳақида **судга даъво аризаси киритади**.

Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига аъзолиги тугатилганлиги муносабати билан ер участкасига бўлган ҳуқуқни бекор қилиш тўғрисида суднинг ҳал қилув қарорига асосан ижара шартномаси бекор қилинади.

**Тўртинчи босқич.** Туман (шаҳар) ҳокимликларининг буюртмасига асосан Ҳудудий кадастрлар палатаси органлари Ўзбекистон Республикасининг “Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида”ги Қонуни талабларидан келиб чиқиб, туман (шаҳар) ҳокимликлари номига ер участкасини давлат мулки сифатида **давлат рўйхатидан ўтказади**.

## **Фермер хўжалиги фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари**

- 1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси**
- 2. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси**
- 3. Ўзбекистон Республикасининг “Фермер хўжалиги тўғрисида”ги Қонуни**
- 4. Ўзбекистон Республикасининг “Ижара тўғрисида”ги Қонуни**
- 5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 9 октябрдаги ПФ-5199-сон “Фермер, дехқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қишлоқ хўжалиги экин майдонларидан самарали фойдаланиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони**
- 6. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 24 августдаги 501-сон “Тугатилаётган ёки мақбуллаштирилаётган фермер хўжалиги ёки қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи бошқа субъектларга ажратилган ер майдонида сарфланган харажатлар қийматини ҳисоблаш ва қоплаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарори**
- 7. Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 14 январдаги 22-сон “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларда мониторинг ишларини амалга ошириш, ерларни муҳофаза қилиш ва ер тузиш фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарори**
- 8. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 декабрдаги 1060-сон “Кўчмас мулк обьектларига бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори**

## ИЛОВАЛАР

### 1-ИЛОВА

#### **ФЕРМЕР ХҮЖАЛИГИНИНГ ЕР УЧАТКАСИ (УНИНГ БИР ҚИСМИ)ДАН ИХТИЁРИЙ ВОЗ КЕЧИШ БҮЙИЧА ТУМАН (ШАҲАР) ҲОКИМЛИГИГА БЕРИЛАДИГАН АРИЗА НАМУНАСИ**

**Иштихон** тумани ҳокими  
**И. Алиевга**

**“Шодлик”** фермер хўжалиги  
бошлиғи **И.Жўраев**,  
**Иштихон** тумани,  
**Мустақиллик** МФЙ,  
**Ишонч** кўчаси, **5-уй**

#### АРИЗА

Мени ариза ёзишимдан мақсадим шуки, ўзим раҳбарлик қилаётган пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган “Шодлик” фермер хўжалигига ижара ҳуқуқи асосида жами 52,7 гектар ер участкаси ажратилган.

Мазкур ер участкасини тўлиғича (ёки қисман) туман ҳокимлиги захирасига қайтариш учун 2012 йил 10 мартдаги “Фермер хўжалиги томонидан ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш тўғрисида”ги 105-сон шартномани бекор қилишингизни сўрайман.

Ушбу аризани ўз қўлим билан ёздим.

**2023 йил 13 апрель.**

**“Шодлик”** фермер хўжалиги  
бошлиғи

Имзо

**И. Жўраев**

**2-ИЛОВА**

**ЕР ИЖАРА ШАРТНОМАСИНИ БЕКОР ҚИЛИШ  
БҮЙИЧА КЕЛИШУВНИНГ НАМУНАВИЙ ЛОЙИХАСИ**

**2012 йил 10 мартдаги “Фермер хўжалиги томонидан ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш тўғрисида”ги 105-сон шартномани бекор қилиш ҳақидаги  
КЕЛИШУВ**

**2023 йил 25 март**

**312-сон**

**Иштихон тумани**

Бундан буён матнда “**Ижарага берувчи**” деб юритилувчи **Иштихон** туман (шаҳар) ҳокими **А. Алиев** бир томондан, бундан буён матнда “**Ижарага оловчи**” деб юритилувчи “**Шодлик**” фермер хўжалиги бошлиғи **И. Жўраев** иккинчи томондан қуидагилар ҳақида мазкур Келишувни туздилар.

1. “Ижарага оловчи”нинг ер участкасига бўлган хуқуқи тугаши ҳақидаги ихтиёрий аризасига асосан томонлар 2012 йил 10 мартдаги “Фермер хўжалиги томонидан ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш тўғрисида”ги 105-сон шартномани бекор қилишиб олдилар.

2. Ушбу Келишув томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб кучга киради ҳамда “Ижарага берувчи” ва “Ижарага оловчи” ўртасида тузилган 2012 йил 10 мартдаги “Фермер хўжалиги томонидан ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш тўғрисида”ги 105-сон шартнома шу вақтдан бошлаб бекор қилинган ҳисобланади.

3. Томонларнинг 2012 йил 10 мартдаги “Фермер хўжалиги томонидан ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш тўғрисида”ги 105-сон шартнома бўйича мажбуриятлари мазкур Келишув кучга кирганидан бошлаб тугатилади.

4. 2012 йил 10 мартдаги “Фермер хўжалиги томонидан ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш тўғрисида”ги 105-сон шартнома бекор қилиниши билан тарафларда бир-бирларига нисбатан ҳеч қандай эътиroz ва талаблар бўлмайди.

5. Томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

6. Ушбу Келишув бўйича, шунингдек Шартнома бўйича томонлар ўртасида юзага келадиган барча келишмовчилик ёки низолар музокара йўли билан ҳал этилади.

Келишув юзасидан низолар музокаралар йўли билан ҳал этилмаса, улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан суд тартибида ҳал этилади.

7. Мазкур Келишувда кўзда тутилмаган, у билан боғлиқ бўлган барча муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

8. Мазкур Келишув бир хил юридик кучга эга бўлган уч нусхада

тузилиб, “Ижарага берувчи”, “Ижарага олувчи” ва Давлат кадастрлари палатасининг **Иштихон** туман (шаҳар) филиалига бир нусхадан берилади.

**9. Томонларнинг юридик манзиллари ва банк реквизитлари:**

“Ижарага берувчи”  
**Иштихон туман ҳокими**  
**А. Алиев**

“Ижарага олувчи”  
**“Шодлик”** фермер хўжалиги бошлиғи  
**И. Жўраев**

X/в:

СТИР -

Банк коди -

X/в:

СТИР -

Банк коди-

*M.ў. /имзо, мансаби Ф.И.О./*

*M.ў. /имзо, мансаби Ф.И.О./*

Келишув 20\_\_ йил \_\_\_\_\_ да \_\_сон тартиб рақами билан Давлат кадастрлари палатасининг **Иштихон** туман (шаҳар) филиалида давлат рўйхатидан ўтказилган.

*M.ў. /имзо, лавозими, Ф.И.О./*

**З-ИЛОВА**

**ЕР УЧАСТКАСИННИ ИХТИЁРИЙ ҚАЙТАРИШ МУНОСАБАТИ БИЛАН  
ЕР ИЖАРА ШАРТНОМАСИГА ЎЗГАРТИРИШ  
КИРИТИШ БҮЙИЧА ТУМАН (ШАҲАР) ҲОКИМЛИГИГА  
БЕРИЛАДИГАН АРИЗА НАМУНАСИ**

**Иштихон** тумани ҳокими  
**А. Алиевга**

**Иштихон** туманида жойлашган  
“Шинам” фермер хўжалиги  
бошлиғи **О. Тўраевадан**

**АРИЗА**

“Шинам” фермер хўжалиги ҳамда туман ҳокимлиги ўртасида **2012 йил 5 июль** куни фермер хўжалиги томонидан ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш тўғрисида шартнома тузиленган.

Унга кўра, ўзим раҳбарлик қиласётган пахта ва ғаллачиликка ихтисослашган “Шинам” фермер хўжалигига ижара ҳуқуқи асосида жами 92,3 гектар ер майдони ажратилган.

Мазкур жами 92,3 гектар ер участкасининг 6000, 6001, 6002 контурида жойлашган 19,5 гектар қисми ўз ихтиёrim билан туман ҳокимлиги захирасига қайтарилди.

Юқоридагиларга кўра, туман ҳокимлиги ва фермер хўжалиги ўртасида **2012 йил 5 июлдаги** “Фермер хўжалиги томонидан ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш тўғрисида”ги **320-сон** шартномага тегишли ўзгартириш киритишингизни сўрайман.

**Илова:**

1. Фермер хўжалигининг ер участкаси (унинг бир қисми)дан ихтиёрий воз кечиши тўғрисидаги нотариал тасдиқланган ариза ва шартнома нусхаси.

**Фермер хўжалиги раҳбари**

*Имзо  
(Муҳр)*

**О. Тўраева**

**4-ИЛОВА**

**ЕР ИЖАРА ШАРТНОМАСИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ БҮЙИЧА  
КЕЛИШУВНИНГ НАМУНАВИЙ ЛОЙИҲАСИ**

**2012 йил 5 июлдаги “Фермер хўжалиги томонидан ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш тўғрисида”ги 320-сон шартномага ер участкасининг бир қисмини ихтиёрий қайтариш муносабати билан ўзгартириш киритиш ҳақидаги  
КЕЛИШУВ**

**2023 йил 15 апрел**

**554-сон**

**Иштихон тумани**

Бундан буён матнда “Ижарага берувчи” деб юритилувчи **Иштихон** туман (шаҳар) ҳокими **А. Алиев**, бир томондан, ҳамда бундан буён матнда “Ижарага оловчи” деб юритилувчи “**Шинам**” фермер хўжалиги бошлиғи **И. Жўраев** иккинчи томондан қуидагилар ҳақида мазкур Келишувни туздилар.

### **1. КЕЛИШУВ ПРЕДМЕТИ**

**1.1.** “Шинам” фермер хўжалигига ижарага ҳуқуқи асосида жами 92,3 гектар ер майдони ажратилган.

Мазкур жами 92,3 гектар ер участкасининг 6000, 6001, 6002 контурада жойлашган 19,5 гектар қисмини ўз ихтиёrim билан туман ҳокимлик захирасига қайтарилди.

Шунга кўра, томонлар “Ижарага берувчи” ва “**Шинам**” фермер хўжалиги ўртасида тузилган **2012 йил 5 июлда** тузилган “Фермер хўжалигига ер участкасини узоқ муддатли ижарага бериш тўғрисида”ги **320-сон** шартномага (кейинги ўринларда – “Шартнома” деб юритилади) қуидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича келишдилар:

**а)** Шартноманинг кириш қисми, “**Ижарага оловчи**” деб юритилувчи “**Шинам**” фермер хўжалигига ажратилган **72,8** сўзларига алмаштирилсин. Шартноманинг кириш қисмida “**Ижарага оловчи**” деб юритилувчи “**Шинам**” фермер хўжалигига ажратилган 92,3 гектар жумласидаги “92,3 гектар” сўzlари “**72,8** гектар” деган сўzlарга алмаштирилсин.

**1.2.** Шартноманинг қолган бандлари ўзгартиришсиз қолдирилсин.

### **2. КЕЛИШУВНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ**

**2.1.** Ушбу Келишув томонлар томонидан имзоланган пайтдан бошлаб қучга киради.

**2.2.** Томонлар ўртасида илгари тузилган ушбу келишувга зид бўлган барча келишувлар ва шартлар мазкур келишув қучга кирган пайтдан бошлаб ўз қучини йўқотади.

**2.3.** Ушбу Келишув ва илгари тузилган Шартнома қоидалари ўртасида зиддият юзага келган тақдирда, мазкур Келишувнинг қоидалари қўлланилади.

### **3. ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР ВА ЯКУНЛОВЧИ ҶОИДАЛАР**

**3.1.** Мазкур Келишув Томонларнинг келишувига биноан ўзгартирилиши ёки тўлдирилиши мумкин.

**3.2.** Томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ белгиланади.

**3.3.** Ушбу Келишув кучга кирган пайтдан бошлаб Шартноманинг ажралмас қисмига айланади.

**3.4.** Келишувнинг амал қилиш муддати тугаши тарафларни уни бузганлик учун жавобгарликдан озод қилмайди.

**3.5.** Ушбу Келишув бўйича, шунингдек Шартнома бўйича томонлар ўртасида юзага келадиган барча келишмовчилик ёки низолар музокара йўли билан ҳал этилади.

Келишув юзасидан низолар музокаралар йўли билан ҳал этилмаса, улар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан суд тартибида ҳал этилади.

**3.6.** Мазкур Келишувда кўзда тутилмаган, у билан боғлиқ бўлган барча муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги билан тартибга солинади.

**3.7.** Мазкур Келишув бир хил юридик кучга эга бўлган тўрт нусхада тузилиб, “Ижарага берувчи”, “Фермер хўжалиги собиқ бошлиғи”, “Фермер хўжалиги янги бошлиғи” ва Давлат кадастрлари палатасининг **Иштихон** туман (шаҳар) филиалига бир нусхадан берилади.

### **4. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:**

“Ижарага берувчи”

**Иштихон туман ҳокими**

**А. Алиев**

“Ижарага оловччи”

“Шинам” фермер хўжалиги янги

бошлиғи **О. Тўраева**

X/в:

СТИР -

Банк коди -

X/в:

СТИР -

Банк коди-

м.ў. /имзо, мансаби Ф.И.О./

м.ў. /имзо, мансаби Ф.И.О./

Келишув 20\_\_ йил \_\_\_\_ да \_\_сон тартиб рақами билан Давлат кадастрлари палатасининг **Иштихон** туман (шаҳар) филиалида давлат рўйхатидан ўтказилган.

м.ў. /имзо, лавозими, Ф.И.О./